# ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
# ШАРТНОМАСИ

2022 й. «18» 5 2022-165-7-102-МТ-сон ______________ш.

ООО LOYIHA-NUR-GEO кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида раҳбари Х.Ж.Утлонов номидан, бир томондан **Пахтачи туман Мактабгача таълим булими** кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари **Ш.Кодирова** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи» нинг буюртмасига асосан **40-МТТ** учун лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ва экспертиза хулосаси тайёрлаш (кейинги ўринларда - «Ишлар» деб юритилади) ишларини бажариш, «Буюртмачи» ушбу «Ишлар» ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Ишлар» нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми хисобланган иловала келтирилади.

| № | Ишнинг номи | Бошлангич Нархи | Шартноманинг умумий Қиймати (битим суммаси) |
|---|---|---|---|
| 1 | 40-МТТ учун лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ва экспертиза хулосаси учун | 29 500 000 | 19 500 000 |
| | Жами | | 19 500 000 |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 19 500 0000 (Ун туккиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

**1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: "12" май 2022 й.**

**Тугаши: "_19_" _май__ 2022 й.**

## 2. ТОМОНЛАРНИНГҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. «Бажарувчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. «Бажарувчи» дан «Ишлар» «Буюртмачи» нинг хисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. «Бажарувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуксон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Ишлар» кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» шунга ўхшаш «Ишлар» билан алмаштирилишини;
- «Ишлар» нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланишини харажатларини қоплашни;
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Бажарувчи» дан талаб қилиш.

### 2.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:



Сканировано с CamScanner

2.2.1 Ўз буюртмономаси бўйича кўрсатилган «Ишлар» ни мазкур шартномаг мувофик кабул килиш;

**2.3. «Бажарувчи» куйидаги хукукларга эга:**

2.3.1. Кўрсатилган «Ишлар» учун олдиндан хак тўланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб килинишини «Буюртмачи» дан талаб килиш;

2.3.2. Берилган буюртмономага мувофик кўрсатилган «Ишлар» ни кабул килиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини «Буюртмачи» дан талаб килиш.

**2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:**

2.4.1. «Буюртмачи» га «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофик ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртмономасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар «Ишлар» ни бажариш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи» нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни ___ кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

## 3. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг бахоси 19 500 0000 (Ун туккиз миллион беш юз минг) сум бюджетдан ташкари маблаглари хисобидан копланади. Бажариладиган «Ишлар» нинг бахоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

**3.2. Кўрсатилган «Ишлар» учун пул кўчириш йўли билан накд пулсиз тартибда хисоб-китоб килинади.**

3.3. Бажариладиган «Ишлар» учун олдиндан тўлов микдори 30% ни ташкил килади, колган 70% бажариладиган «Ишлар» 30 кун ичида кабул килиш-топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва в.б. асосида тўланади.

## 4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. «Ишлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган «Ишлар»ни кабул килишни рад этишга ҳаклидир.

4.5. Назарда тутилган хажмдан ортикча бир номда «Ишлар» кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошка номдаги кўрсатилмаган «Ишлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган «Ишлар»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Ишлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган холлар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган «Ишлар» бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича кабул килинади. Далолатномада бажарилган «Ишлар» хажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган «Ишлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофик ёки «Буюртмачи»нинг буюртмономасида кўрсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу максадларда «Бажарувчи» Буюртмачиларнинг буюртмономаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома «Ишлар»нинг тегишли кисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар оркали, почта оркали ёки бошкача тарзда берилади. Буюртмономани чопар оркали кабул килишда «Бажарувчи»нинг ходими «Буюртмачи»да колади́ган нусхага санани кўрсатган холда у кабул килинганлиги тўгрисида белги қўяди.

Сканировано с CamScanner

4.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд «Ишлар»нинг тегишли кисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга хаклидир, бу хакда «Бажарувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор килади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган «Ишлар» сифати, хажми «Бажарувчи» томонидан нотўғри аникланиши, уларнинг киймати нотўғри белгиланиши ва уидиришнинг холлари аникланган такдирда «Бажарувчи» бажарилаётган «Ишлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг хажмини хисобга олган холда кайта хисоб-китоб килади. хисоблаб чикилган ушбу суммадан ташкари буюртмачига нотўғри хисоб-китоб килинган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган «Ишлар»нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошка шартларга жавоб бермаган такдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Ишлар» кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.3. «Ишлар» кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилишини рад этилганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташкари кўрсатилиши керак бўлган «Ишлар»нинг 25 фоизи микдорида жарима тўлайди. Жарималан ташкари, «Бажарувчи» «Буюртмачи»га «Ишлар» бажрилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлик бажарилмаган такдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган «Ишлар» кийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Ишлар» бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлик бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган «Ишлар» учун ўз вактида хак тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида махсус хисобракамидан пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.

5.6. «Буюртмачи» томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи»ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) «Буюртмачи» томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи»нинг жавобгарлиги хам кўриб чикилади. «Бажарувчи»нинг айби билан контрактация шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан копланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кўлланилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири хакида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

6.4. Агар енгиб бўлмас куч холатлари узлуксиз ой давомида амал килиб турса ва якин муддат ичида бекор килинишининг эхтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор килиниши мумкин.

## 7.КОРРУПЦИЯГА КАРШИ ТАЛАБЛАР

Сканировано с CamScanner

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни татбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

7.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупция қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига катъий риоя қилади.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Савдо- саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлар учун катъий ва мажбурий ҳисобланади.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1 Мазкур шартнома 2022 йил "12" майдан 2022 йил «31»декабргача амалда бўлади.

9.2 Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб, томонларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланади.

9.1 Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

-томонларнинг келишувига мувофиқ

-Форс-Мажор ҳолатларида

10. Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари:

Пудратчи: LOYIHA-NUR-GEO МЧЖ
Манзили: Навоий шаҳар Энергетиков 1-38 Тел.91-335-44-32
Ҳисоб-китоб рақами
2020 8000 3046 9183 7001
СТИР 206 954 243 МФО 00401
Банк: Навоий шаҳар ОАКБ Алоқа банк
__________ Х.Ж.Углонов

Буюртмачи: Пахтачи туман МТБ
Манзили Истиклол МФЙ
Ҳисоб-китоб рақами
401722860182307091100251002
СТИР_207267020_ МФО _00014_
Банк:_Тошкент шаҳар Марказий банк
__________ Ш.Кодирова

Сканировано с CamScanner

ЗOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: KS7374671035

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
PAXTACHI TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

**17 may 2022 yil** **Ziyovuddin sh.**

**Xizmat ko'rsatish shartmomasi yuzasidan yuridik ekspertiza**

**XULOSAsi**

Paxtachi tuman Maktabgacha talim bulimi bilan **"OOO.LOYIHA** o'rtasidagi xizmatlar ko'rsatishga oid shartnomasi ko'rib chiqilganda qo'yidagilar

**A N I Q L A N D I :**

Ushbu yuridik tusdagi xujjat xizmatlar ko'rsatishg va ishlarni bajarib berish shartnomasi loyihasi tuman Maktabgacha talim bulimi bilan **"OOO.LOYIHA "** o'rtasidagi xizmatlar ko'rsatish uchun tuman Maktabgacha talim bulimi bilan **"OOO.LOYIHA** 19500.000 sumlik loyiha ishlab chiqilgan. Loyiha O'z.Res.si "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonun talablariga rioya qilingan holda tayyorlangan. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2005 yil 15 fevralidagi 63-sonli "Yengib bo'lmas kuch (fors-major) holatlarining mavjudligini tasdiqlash mexanizmini kiritish to'g'risida"gi qarori, hamda O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar shartnomoviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan. Qonunning 10- 15-24-34 moddalarida ko'rsatib utilgan bandlar tuliq o'z aksini topgan.

**X U LO S A :**

Paxtachi tuman Maktabgacha talim bulimi bilan **"OOO.LOYIHA "** o'rtasida xizmatlar ko'rsatish shartnomasining loyhasi amaldagi qonunlar talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan. Yuqoridagilarga asoslangan holda shartnoma loyihasini qonun hujjatlari asosida tuzilgan deb hisoblayman va tomonlarga uni imzolashni tavsiya etaman.

**Paxtachi tumani yuridik hizmat**
**ko'rsatish markazi bosh yuriskonsul'ti:** **D.K.Xusanov**
**17.05.2022 yil**